



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Судьялар олий кенгаши раиси

 Х.Ёдгоров

2025 йил 3 январь

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йилнинг 1-ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш Механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Масъул ижрочилари
1.	Суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлигини таъминлашга ва суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тайёрлаш	1. Кенгашнинг йил якуни бўйича ҳисоботлари асосида таҳлилий ахборот тайёрлаш. 2. Кенгашнинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисида журнал шаклида Ахборотнома тайёрлаш. 3. Ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юбориш.	Таҳлилий маълумотнома, Ахборотнома	2025 йил январь	Х.Садиков, Р.Назаров
2.	Судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришни	1. Рейтинг кўрсаткичи юқори бўлган судьялар орасидан “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирлаш учун номзодлар рўйхатини шакллантириш. 2. Тақдирлаш учун номзодлар фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда Кенгаш мажлисида муҳокама қилиш. 3. Тақдирланганларга мукофотни тантанали тарзда топшириш. 4. Мукофот билан тақдирланган судьялар фаолияти тўғрисида кўрсатув ва видео роликларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда намойиш этиш.	Кенгаш қарори, Амалий тадбирлар	2025 йил январь	А.Жалилов, Н.Бобохонова, Т.Буваев, Х.Садиков, Т.Акбаров
3.	Кенгашга судьяларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан келиб тушган мурожаатларини таҳлил қилиш	1. 2024 йил давомида Кенгашга судьяларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан келиб тушган мурожаатлар рўйхати ва уларнинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича статистик жадвалларни тайёрлаш. 2. Жойларда судьяларнинг хатти-ҳаракати юзасидан мурожаатлар бўйича сайёр қабул ташкил этиш. 3. 2024 йил давомида Кенгаш томонидан судьяларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўғрисида таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. 4. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ва бартараф этишда суд органлари фаолияти самарадорлиги аҳволини ўрганиш.	Электрон рўйхат, жадваллар, Таҳлилий маълумотнома	2025 йил февраль- июнь	О.Мирзамахмудов, И.Ҳакимов, Х.Камолов

4.	Туманлараро, туман (шаҳар) суди раиси ва раис ўринбосари лавозимлари захирасини шакллантириш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Судьялардан захирага кириш тўғрисида ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш. 2. Захирага кириш имтиҳонини ўтказиш. 3. Захирага кириш тўғрисидаги масалани Кенгаш мажлиси кун тартибига киритиш. 4. Захирага киритилган номзодларни қайта тайёрлаш. 	Амалий тадбирлар	2025 йил февраль	М.Каландарова, Н.Бобохонова, Х.Садиков
5.	Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш юзасидан онлайн ўқув курсларини ташкил этиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан суд тизимида коррупцияга қарши курашиш юзасидан ҳамкорлик қилиш. 3. Судьялар билан профилактик суҳбат ўтказиш ва коррупция ҳолатлари содир этилганда, хизмат текшируви ўтказиш орқали келиб чиқишига шароит яратаётган омилларни аниқлаш ва тегишли таклифлар тайёрлаш 4. Таъмаргирлик қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган судья ва суд ходимларининг пушаймонлиги акс этган видеолавҳаларни намойиш этиш. 	Амалий Тадбирлар, Таҳлилий маълумотнома	2025 йил январь-июнь	Т.Буваев, М.Каландарова, Б.Сабиров, В.Файзуллаев
6.	Суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлигини таъминлашга ва одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. ОАВ вакиллари, блогер ва журналистлар билан суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ давра суҳбатлари, қисқа муддатли курсларни ташкил этиш. 2. Суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьялар дахлсизлиги бузилиши ҳолатлари юзасидан чора-тадбирларни кўриш. 3. “Судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги. Суд ишига аралашганлик учун жавобгарлик асослари” мавзусида брошюрани қайта нашрга тайёрлаб, давлат идоралари ходимларига етказиш. 	Ташкилий чора-тадбирлар	2025 йил январь-июнь	А.Жалилов, Т.Акбаров
7.	Олий малака ҳайъати ва ҳудудий судьялар малака ҳайъатлари ҳамда Судьялар одоб комиссиялари фаолиятини ўрганиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Малака ҳайъатлари, шунингдек, Судьялар одоб комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижаларини Кенгаш мажлиси муҳокамасига киритиш. 2. Аниқланган камчиликлар юзасидан ўқув-семинар машғулотларни ўтказиш график-режасини тасдиқлаш. 	График-режа, Текшириш маълумотномаси	2025 йил февраль-июнь	Н.Бобохонова, М.Кукиев, И.Ҳакимов
8.	“Судьялар одоби кодексига шарҳлар” китобини нашр қилиш	Янги таҳрирдаги Судьялар одоби кодексига шарҳ китобини нашрга тайёрлаш	Амалий тадбирлар	2025 йил февраль-март	А.Жалилов, М.Каландарова, Х.Садиков, Т.Акбаров

9.	Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш кўрсаткичларни таҳлил қилиш	<p>1. Фаолияти қониқарсиз судьялар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан судьялар малака ҳайъатларига ва Судьялар олий малака ҳайъатига муносабат билдириш.</p> <p>2. Фаолияти қониқарсиз баҳоланган судьяларнинг касбий малакасини ошириш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар режаси	2025 йил февраль	Н.Бобохонов, Г.Зиганшина, Х.Садиков
10.	Судьялар олий мактабида ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш	<p>1. Судьялар олий мактабида ўқув дастурлари тузилиши, дарс жараёнларини ҳамда тингловчиларда судьялик кўникмасини шакллантириш аҳволини ўрганиш</p> <p>2. Ўрганиш натижаси юзасидан ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича маълумотнома ва таклифлар тайёрлаш</p>	Ташкилий тадбирлар	2025 йил февраль	А.Жалилов, Н.Бобохонова, М.Каландарова, Х.Камолов, Х.Садиков
11.	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ва раис ўринбосарлари фаолиятини самарадорлигини ошириш	<p>1. Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари учун икки кунлик малака ошириш курслари</p> <p>2. Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ўринбосарлари учун уч кунлик малака ошириш курслари</p> <p>3. Малака ошириш курсларида судлар фаолиятини самарали ташкил этиш, тизимда коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда судьялар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, бу жараёндаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида ўзаро фикр алмашиш</p>	Ташкилий тадбирлар	2025 йил февраль-март	А.Жалилов, Н.Бобохонова, М.Каландарова
12.	Судьяларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида уларни тиббий текширувдан ўтказиш	Судьялик вазифаларини талаб даражасида таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида ҳудудлардаги вилоят марказий шифохоналари қошидаги кўп тармоқли поликлиникаларда барча судьялар тиббий текширувдан ўтказиш ҳамда уларнинг соғлигини тиклаш чораларини кўриш	Ташкилий тадбирлар	2025 йил февраль-июнь	А.Жалилов М.Кукиев
13.	Судьялар учун “Ибрат мактаби”ни яратиш	Суд фахрийлари расми, фаолияти ёритилган лавҳларни улар таълим олган мактабларга ўрнатиш ҳамда шу мактаб ўқувчилари, судьялар ва суд фахрийси иштирокида давра суҳбатларини ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2025 йил февраль-июнь	Т.Акбаров, Р.Назаров
14.	Ибратли судьялар тажрибасидан келиб чиқиб судьяларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш	<p>1. Судьялар иш фаолиятида дуч келаётган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан саволнома ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Саволномага асосан ибратли судьяларнинг тавсияларни тўплаш ва тизимлаштириш.</p> <p>3. “Ибратли судьялардан тавсиялар” қўлланмани нашрга тайёрлаш.</p>	Қўлланма	2025 йил февраль-июнь	А.Жалилов, Х.Садиков, Т.Акбаров

15.	Суд амалиётида қонунни қўллашда хатоликка йўл қўйилаётган ишларни таҳлил қилиб, унинг олдини олиш чораларини кўриш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Судьялар клуби онлайн форумида кўп муҳокама қилинган масалаларни таҳлил қилиш. 2. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда семинар машғулотларини ўтказиш орқали судьяларнинг касбий кўникмасини ошириш. 3. Судьялар талабидан келиб чиқиб, онлайн, қисқа муддатли курсларни ташкил этиш. 	Алоҳида режа асосида	2025 йил февраль-июнь	М.Каландарова
16.	“Аёл судьялар клуби”нинг 2024 йилда амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиш	<ol style="list-style-type: none"> 1 “Аёл судьялар клуби”нинг йиғилишини ўтказиш. 2. 2025 йилда аёл судьялар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ташаббусларни муҳокама қилиш. 	Давра суҳбати	2025 йил март	Н.Бобохонова, М.Каландарова
17.	Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг 2025/2026 ўқув йили учун судьялик лавозимларига номзодлар тайёрлаш курсига кириш имтиҳонини ташкиллаштириш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Судьялик лавозимларига номзодлар тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни қайта кўриб чиқиш. 2. Хужжатларни қабул қилиш бўйича қабул комиссияси таркибини тасдиқлаш. 3. Хужжатларни қабул қилиш даврини белгилаш ва эълон қилиш, қабул ишларини ташкил қилиш. 	График режа, Амалий тадбирлар	2025 йил апрель-июнь	Н.Бобохонова, Т.Буваев, Х.Садиков
18.	Судьяларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Суд фахрийлари, адиб ва шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш 2. Ижодкор судьялар иштирокида давра суҳбатини ташкил этиш ҳамда судьялар ижодий ишлари тўпламини нашр этиш. 3. Судьялар ўртасида “Энг яхши китобхон” танловини ўтказиш. 4. Республика бўйича судьялар ўртасида шахмат мусобақасини ташкил этиш, мусобақа жараёни ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросимини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. 	<p>Давра суҳбати, Тўплам, Танлов</p> <p>Алоҳида режа асосида</p>	2025 йил апрель	А.Жалилов, Х.Садиков, Т.Акбаров
19.	Байрам арафасида бир гуруҳ фахрийлар ва судьяларни тақдирлаш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Байрам арафасида бир гуруҳ фахрийлар ва судьяларни байрамлар арафасида “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаш. 2. Байрам арафасида тантали тақдирлаш маросимини ўтказиш. 	Кенгаш қарори лойиҳаси	2025 йил март, май	Х.Садиков, Н.Бобохонова, М.Кукиев
20.	Суд амалиётини таҳлил қилиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Судда кўрилаётган ишлар таҳлилидан келиб чиқиб, айрим тоифадаги ишларни судгача ҳал қилиш тартибини жорий этиш юзасидан ахборот хати тайёрлаш 2. Ахборот хати ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Президент Администрациясига киритиш. 	Таҳлилий маълумотнома, Ахборот хати	2025 йил апрель	М.Каландарова, А.Хамраев

21.	Судьяларга нисбатан интизомий жазо қўллаш амалиётини таҳлил этиш	<p>1. Судьяларга нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг қонуний ва асослилигини ўрганиш натижаларини юзасидан таҳилилий маълумотнома тайёрлаш.</p> <p>2. Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни янги таҳрирда қабул қилиш.</p> <p>3. Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тартиби юзасидан малака ҳайъатлари учун қўлланма тайёрлаш.</p>	Низом лойиҳаси Қўлланма	2025 йил июнь	М.Кукиев, Б.Сабиров
22.	Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш	<p>1. Судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, шу жумладан ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти механизмлари, ўзаро ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгиловчи “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Судьялар мақоми тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларини ҳамда “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида” Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	Норматив- ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	М.Каландарова, Н.Бобохонова